



ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИНИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ғолиб Ташманов,

PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти в.б, Тошкент, Ўзбекистон.

Email: g.tashmanov@tsue.uz

ORCID:0000-0002-4885-3286

IMPROVING THE SYSTEM OF CERTIFICATION OF INTERNAL AUDIT SERVICE BASED ON FOREIGN EXPERIENCES

Golib Tashmanov,

PhD, associate professor of "Accounting" department, Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan.

Email: g.tashmanov@tsue.uz

ORCID:0000-0002-4885-3286

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда сўнги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада такомиллаштириши, жумладан, акцияларни хорижлик сармоядорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун хорижлик инвесторлар учун акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ҳуқуқий базасини шакллантириши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215 сонли Қарорига 2-илова "Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилган бўлиб, унда умумий қоидалар, ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари, ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ички аудит хизматида қўйиладиган талаблар, ички аудит хизматининг мустақиллиги ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот

тузишига қўйиладиган талаблар, ички аудит хизматининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Ички Аудиторлар Институтини томонидан ички аудиторларни малака сертификатлаш тизими 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, Америка қўшма штатларида 41 та имтиҳонлаш марказида 654 та номзодлар малака имтиҳонини топширган. Бугунги кунда ички аудитнинг профессионал халқаро стандартлари ички аудиторлар институтини томонидан ишлаб чиқилган ва 170 дан ортиқ мамлакатларда амал қилиниб, 30 га яқин тилга таржима қилинган. Халқаро ички аудиторлар институтини 12 та давлат тилида 800 та имтиҳонлаш марказларида Ички Аудит Сертификати (CIA) билан таъминлаб, 200 мингдан ортиқ ички аудиторлар аъзоси мавжуд. Бу ички аудиторлар корхоналарни иқтисодий ўсишига ва самарали фаолият юритишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ички аудитнинг профессионал халқаро стандартлари асосида амалга оширилган ички аудит жараёнлари бўйича тузилган



ҳисоботлар ва тавсиялар нафақат маҳаллий инвесторларни, балки хорижий инвесторларни ҳам керакли ва ишончли маълумотлар билан таъминлаб келмоқда.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ички аудиторлар акциядорлик жамиятларида амалга оширилган молия-ҳўжалик операцияларини текшириши билан чекланиб қолмасдан, балки келгусидаги бошқарув ва иқтисодий рискларни баҳолашни, ички назорат тизимини мониторинг қилишни ҳам қамраб олиши керак.

Abstract: In this article, special attention is paid to the issue of further improvement of the activities of joint stock companies in recent years in our country, including sale of shares to foreign investors. In order to achieve this goal, there is a need to prepare financial reports of joint stock companies based on international standards for foreign investors.

Annex 2 "Regulations on internal audit service in enterprises" to the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 16, 2006 No. 215 on the formation of the legal basis for the internal audit service in joint-stock companies was developed, which contains general rules, the main tasks and functions of the internal audit service, the internal audit service rights and obligations, requirements for the internal audit service, independence of the internal audit service and requirements for compiling a summary report on the results of its conduct, responsibility of the internal audit service are determined.

The internal auditors certification system was established by the Institute of Internal Auditors in 1974, and 654 candidates took the competency exam at 41 testing centers in the United States. Today, professional international standards of internal auditing have been developed by the

Institute of Internal Auditors and are implemented in more than 170 countries and translated into about 30 languages. The International Institute of Internal Auditors has more than 200,000 internal auditor members, providing the Certificate of Internal Audit (CIA) in 800 examination centers in 12 national languages. These internal auditors contribute to the economic growth and efficient operation of enterprises. The reports and recommendations on internal audit processes implemented on the basis of professional international standards of internal audit provide not only local investors, but also foreign investors with necessary and reliable information.

International experience shows that internal auditors should not be limited to the examination of financial and economic operations carried out in joint-stock companies, but should also cover the assessment of future management and economic risks, monitoring of the internal control system.

Калим сўзлар: ички аудит, аудит, сертификат, ички аудиторлар институти, иқтисодий риск, молиявий риск

Key words: internal audit, audit, certificate, institute of internal auditors, economic risk, financial risk

Кириш. Ўзбекистонда «...хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур»[1]лигини ҳисобга олиб, ички аудит хизмати тизимини унинг яхлитлигини бузмасдан, изчиллик билан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд камчиликларни бартараф этиш орқали

халқаро ички аудит стандартлари асосида такомиллаштириш талаб этилади.

Ички аудиторлар институти томонидан ички аудит тизимини тартибга солувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- ички аудиторларнинг этика кодекси;
- ички аудиторларнинг сертификатлаш тартиби;
- ички аудиторларнинг халқаро стандартлари

Мамлакатимизда сўнги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада такомиллаштириш, жумладан, акцияларни хорижлик сармоядорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун хорижлик инвесторлар учун акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиш зарурияти пайдо бўлмоқда. [6]

Материал ва метод. Бутун жаҳон ички аудиторлар институти стандартларига асосан ички аудитнинг асосий вазифаси – рискларга асосланган

объектив ишончни тақдим этиш ҳамда маслаҳат ва тушунча бериш орқали ташкилот қийматини ошириш ҳамда ҳимоя қилишдир. Шунингдек, ушбу вазифани бажариш учун қуйидаги принциплардан фойдаланилиши белгиланган[8]:

1. Яхлитлилик;
2. Компетентлик ва ишга профессионал ёндашув;
3. Мустақиллик, яъни таъсирлардан озодлик ва объективлик;
4. Ташкилотнинг стратегияси, мақсадлар ва рискларга мос келиши;
5. Ресурсларни тўғри жойлаштириш ва адолатли таъминлаш;
6. Сифат ва доимий ўсишни намоён қилиш;
7. Самарали мулоқот қилиш;
8. Рисклар бўйича ишончли кафолатни таъминлаш;
9. Ташаббускорлик, фаоллик ва келажакка йўналганлик;
10. Ташкилот фаолияти ривожланишини таъминлай олиш.

1- жадвал

Ички аудит хизматини ташкил этишни ҳуқуқий базасини шаклланиш босқичлари¹

Босқичлар	Ҳуқуқий ҳужжатлар номи	Назорат қилиш доираси	Ишлаб чиқиш доираси
Биринчи	“Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Қонун	Аудитнинг моҳияти ва вазифаларини, умумий қоидаларини белгилаб беради.	1992 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда янги таҳрири қабул қилинган.
Иккинчи	“Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари”	Аудиторлик текширувларини ва талабларин ўз ичига қамраб олади.	Халқаро аудиторлик стандартлари асосида жорий этилмоқда.
Учинчи	Аудиторлик фаолиятига оид	Аудиторлик фаолиятини тартибга	Аудиторлик фаолияти стандартлари,

¹ Муаллиф томонидан тузилган

	Вазирликлар ва ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари	солади ва махсус масалаларни ҳал қилади	сертификациялаш тизими, низомлар ишлаб чиқилмоқда.
Тўртинчи	“Корхоналарда ички аудит хизматини ташкил этиш” тўғрисида низом	Ички аудиторларнинг низомда белгиланган талаблар бўйича иш олиб боришини таъминлайди	Ҳар бир ташкилот ички аудитори мустақил ишлаб чиқади ва кузатув кенгашига тасдиқлатади.
Бешинчи	Ички аудитнинг профессионал халқаро стандартлари	Ички аудит фаолиятининг мустақилигини ва маъсулиятини оширади	Стандартни ишлаб чиқишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда
Олтинчи	Ички аудитнинг иш режаси ва дастури	Ҳар бир объект бўйича маълумотлар тўлиқ сақланади ва назорат қилинади	Ички аудит томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади

Мамлакатимизда ички аудит хизматини ташкил этишда унинг ҳуқуқий базасини босқичма-босқич шакллантириш ва уларнинг фаолиятини норматив ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаш лозим. Ҳозирги кунда ички аудит хизматини ташкил этишда ҳуқуқий базасини, фикримизча кўйидаги босқичларга ажратиш мумкин (1-жадвал).

Ички аудитни ташкил қилиш давлат томонидан қонунчилик асосида тартибга солинади ҳамда корхона ўзига тааллуқли норматив ҳужжатлар асосида иш фаолиятини давом эттиради. Шунга қарамай, унинг фаолияти самарадорлигига нафақат иқтисодий субъект активлари сақланганлиги, балки корхонанинг иш қобилиятига ҳам боғлиқ бўлади. Ички аудит акциядорлик жамиятининг бошқарув тизимини яхшилаш, мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилиш ва уни такомиллаштириб боришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беришга хизмат қилиши керак.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ҳуқуқий базасини

шакллантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215 сонли Қарорига 2-илова “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом” [2] ишлаб чиқилган бўлиб, унда умумий қоидалар, ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари, ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар, ички аудит хизматининг мустақиллиги ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар, ички аудит хизматининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Натижалар. Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги Низомга [3] асосан ички аудитор сертификатини бериш, амал қилишини узайтириш, 80 соатли махсус ўқув курсларни ҳамда 20 соатли малака ошириш курсларини ва имтиҳон ўтказишни ташкил қилиш тартиби аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилиб, унга



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва аудиторларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари, зарурият бўлганда, бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқ солиш ва хўжалик ҳуқуқи соҳаларининг етакчи мутахассислари комиссия таркибига жалб қилинади.

Бугунги кунда республикада 1000 га яқин малака сертификатига эга ички аудиторлар мавжуд бўлиб, улар жамоат бирлашмалари яъни, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан сертификатлар берилган[9].

Лекин, малака сертификатига эга ички аудиторларнинг деярли ярми фуқоравий ҳуқуқий шартнома асосида корxonанинг ички аудитори бўлиб ишлаб келмоқда. Қолган ички аудиторлар вақтинча ишсиз, бошқа соҳада фаолият юритилиши ва ташқи аудитор бўлиб ишлаб келмоқда. Бундан кўринадики ички аудиторларга бўлган талаб қониқарли даражада эмас. Ички аудиторларни иш жараёнлари ташқи аудитдан тубдан фарқ қилади. Чунки, ички аудиторлар йил давомида корxonанинг нафақат молиявий хўжалик фаолиятини, балки келгусидаги иқтисодий ва молиявий рискларни ҳам баҳолаш керак бўлади. Бунинг учун эса, аввало, корпоратив бошқарув тизимининг самарали ташкил этилгалигига ва уларнинг ички аудит хизмати иш жараёнларининг ҳисобот ва кўрсатмаларига қизиқишига боғлиқ.

К.Б.Ахмеджановнинг таъкидлашича, ички аудит институти жамоат ташкилоти сифатида ички аудиторларни сертификатлаш билан ҳам шуғулланади. Сертификатлашда ички аудит институти томонидан қўйиладиган талаблар халқаро аудит стандартлари ва ички аудит стандартларига асосланади, уларга мувофиқ ички аудиторлар тегишли сертификатга эга бўлишлари ҳамда ички аудиторларни сертификатлаш билан жамоат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳозирги кунда миллий сиандартлар асосида шуғулланади[4].

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, ички аудит институтини филиалини очиш зарур. Бунда аввало мустақил ташкилот сифатида фаолият юритувчи субъект ташкил этилиши ҳамда ички аудиторлар институти билан ўзаро шартномалар асосида имтиҳонлаш ва сертификатлаш талаблари асосида ташкил этиш лозим.

Ички Аудиторлар Институти томонидан ички аудиторларни малака сертификатлаш тизими 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, Америка қўшма штатларида 41 та имтиҳонлаш марказида 654 та номзодлар малака имтиҳонини топширган.[10] Бугунги кунда ушбу институтда 4 та турдаги сертификатлаш тизими мавжуд (2 - расм).

Ички аудитор сертификати - CIA

Рискларни бошқариш бўйича сертификат – CRMA

Ички аудит раҳбари сертификати – QIAL

Амалиётчи ички аудитор – Internal Audit Practitioner

2-расм. Ички аудит институти томонидан сертификатлаш турлари²

² Ички аудиторлар институти сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан туилган

Бугунги кунда ички аудитнинг профессионал халқаро стандартлари ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ва 170 дан ортиқ мамлакатларда амал қилиниб, 30 га яқин тилга таржима қилинган. [7] Халқаро ички аудиторлар институти 12 та давлат тилида 800 та имтиҳонлаш марказларида Ички Аудит Сертификати (CIA) билан таъминлаб, 200 мингдан ортиқ ички аудиторлар аъзоси мавжуд. [11] Бу ички аудиторлар корхоналарни иқтисодий ўсишига ва самарали фаолият юритишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ички аудитнинг профессионал халқаро стандартлари асосида амалга оширилган ички аудит жараёнлари бўйича тузилган ҳисоботлар ва тавсиялар нафақат маҳаллий инвесторларни, балки хорижий инвесторларни ҳам керакли ва ишончли маълумотлар билан таъминлаб келмоқда.

Мунозара. Хорижий мамлакатларда ички аудитнинг малака сертификатини олиш учун учта бўлимдан иборат имтиҳон топширади. Масалан Россия Федерациясидаги халқаро ички аудит институти филиали томонидан ўқув дастури (режаси) тузилади ва ҳар бир бўлим бўйича дастурга асосан имтиҳон саволлари, ажратилган вақтлари ҳамда ўқув материаллари ҳам тақдим этилади.

- Биринчи бўлим имтиҳони – 125 та саволларга 2,5 соат вақт берилади
- Иккинчи бўлим имтиҳони – 100 та савооларга 2 соат вақт берилади
- Учунчи бўлим имтиҳонини – 100 та саволларга ҳам 2 соат вақт берилади [14].

Ҳар бир босқич имтиҳони кетма кет топширилади ва унинг натижалари халқаро ички аудит институти томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларига асосан баҳоланади, яъни 250 дан 700 балгача бўлган диапазонда ўтиш бали 600 балл ёки ундан юқори балл бўлиши белгиланган.

Бунда малака имтиҳон саволлари ҳар бир босқичдаги бўлимларнинг дастурига асосан ҳар чоракда янгиланиб борилади ва улардаги саволлар ҳам ўзгариб боради.

2-жадвалда Россия ва Малайзия давлатларининг амалдаги малака имтиҳон дастурига киритилган тахминий саволлар бўлими келтирилган. Иккала давлат ўртасида ички аудит хизмати фаолиятини сертификатлаш дастурлари ўртасида фарқ катта эмас, Россияда ҳам, Малайзияда ҳам ички аудиторларни сертификатлаш бўйича имтиҳондан ўтказиш дастури уч босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич ҳар хил бўлимлардан иборат. Биринчи босқичда Россия Федерациясида ички аудит хизматининг мажбуриятлари, ички назорат ва рисклар, аудит амаллари ва усуллари ҳамда вазифаларни бажариш бўлимлари, иккинчи босқичда ачки аудитнинг амалий жиҳатлари, яъни ички аудит функциялари ва вазифаларини бошқариш, фирибгарликка қарши курашиш ва уларга боғлиқ рисклар қаралади, учинчи босқичда эса кўпроқ бизнес жараёнлари, уларни бошқариш принциплари ҳамда молиявий менежмент бўлимларига кўпроқ эътибор қаратилган.

Россия ва Малайзия давлатларида ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тизими³

Ички аудит хизматини сертификатлаш босқичлари	Россия Федерацияси (малака имтиҳон дастури)	Малайзия (малака имтиҳон дастури)
<p>Ички аудитнинг назарий асослари</p>	<p>I. Раҳбарият ва уларнинг мажбуриятлари (25-40%) II. Ички назорат/Рисклар (20-30%) III. Ички аудит бўйича топшириқларни бажариш. (15-20%) IV. Аудиторлик усуллари ва амаллари (25-35%)</p>	<p>I. Ички аудит асослари (15%) II. Мустақиллиги ва объективлиги (15%) III. Профессионаллик, маҳорат ва тиришқоқлик (18%) IV. Сифатни ошириш ва таъминлаш дастури (7%) V. Бошқарув, рискларни бошқариш ва назорат қилиш (35%) VI. Фирибгарлик рисклари (10%)</p>
<p>Ички аудитнинг амалий асослари</p>	<p>I. Ички аудит функцияларини бошқариш (40-50%) II. Вазифаларни бошқариш (40-50%) III. Фирибгарликка қарши курашиш воситалари ва рисклари (5-15%)</p>	<p>I. Ички аудит фаолиятини бошқариш (20%) II. Вазифаларни режалаштириш (20%) III. Вазифаларни бажариш (40%) IV. Топшириқ натижалари бўйича маълумот бериш ва мониторинг қилиш (20%)</p>
<p>Ички аудит учун бизнес тушунчалар</p>	<p>I. Бошқарув, касб этикаси (5-15%) II. Рискларни бошқариш (10-20%) III. Тузилма/бизнес жараёнларининг таҳлили, рисклар (15-25%) IV. Муносабатлар ва музокаралар (5-10%) V. Корхонани бошқариш (10-20%) VI. Ахбороттехнологиялари / Бизнес жараёнлар (15-25%) VII. Молиявий менежмент (10-20%) VIII. Халқаро бизнес муҳити (0-10%)</p>	<p>I. Бизнес ҳақида базавий тушунча (35%) II. Маълумотларнинг ҳавфсизлиги (25%) III. Ахборот технологиялари (20%) IV. Молиявий менежмент (20%)</p>

³ Муаллиф томонидан аудиторлар институти маълумотлари асосида тузилган

Малайзия давлатида биринчи босқичда асосан ички аудитнинг муҳим назарий ва ташкилий жаҳатлари, бошқарув тизими, рискларни бошқариш ва назорат қисми юқори салмоққа эга бўлса, иккинчи босқичда ички аудит хизмати фаолиятининг амалий жиҳатларига, учинчи босқичда асосан бизнес-жараёнларга, маълумотлар хавфсизлиги ва ахборот технологияларига катта эътибор берилган. (2-жадвал)

Ички аудит институти жамоат ташкилоти сифатида ички аудиторларни сертификатлаш билан ҳам шуғулланади. Сертификатлашда ички аудит институти томонидан қўйиладиган талаблар халқаро аудит стандартлари ва ички аудит стандартларига асосланган. Республикамизда ҳам ички аудиторлар профессионал жамоат ташкилотлари Ўзбекистон аудиторлар палатаси ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг тегишли сертификатига эга бўлишлари лозим. Бугунги кунда сертификат олиш учун ташкил этилган махсус имтиҳон саволларининг аксарияти миллий

аудиторлик фаолияти стандартлари асосида тузилган [5]:

Ўзбекистонда ички аудитнинг асослари молия ва бошқарув ҳисоби, солиқ ва тадбиркорлик ҳуқуқларидан иборатдир. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ички аудиторлар акциядорлик жамиятларида амалга оширилган молия-хўжалик операцияларини текшириш билан чекланиб қолмасдан, балки келгусидаги бошқарув ва иқтисодий рискларни баҳолашни, ички назорат тизимини мониторинг қилишни ҳам қамраб олиши керак.

Хулоса. Хорижий тажрибани ўрганиш асосида, мамлакатимизда ички аудитор хизмати ходимларини сертификатлаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ва имтиҳон жараёнини 2 босқичда ўтказиш тавсия этилди. Бу эса ички аудит хизмати ходимларига нафақат молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш балки, ички назорат ва рискларни баҳолаш борасида ҳам чуқур билимларни олиш имконини беради (3-жадвал).

3-жадвал.

Ўзбекистонда ички аудит хизмати ходимларини тайёрлашнинг амалдаги ҳолати ва таклиф этилган босқичлар⁴

Ички аудит хизматини сертификатлашнинг амалдаги ҳолати	Ички аудит хизматини сертификатлашнинг таклиф этилган босқичлари
I. Ички аудит асослари (40%)	Ички аудитнинг назарий асослари (биринчи босқич)
II. Молиявий ҳисоб (15%)	I. Ички аудит асослари (15%)
III. Бошқарув ҳисоби (15%)	II. Ички аудит этикаси (10%)
IV. Солиқ ва	III. Рискларни бошқариш, таҳлилий ҳамда аудит амаллари ва назорат тизимлари 35%
	IV. Ахборот технологиялари ва бизнес жараёнлари (15%)
	Ички аудитнинг амалий асослари (иккинчи босқич)

⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган

тадбиркорлик (30%)	хуқуқи	I. Ички аудит хизмати фаолиятини бошқариш (20%) II. Ички аудит хизмати вазифаларини режалаштириш (20%) III. Ички аудит хизмати вазифаларини бажариш (30%) IV. Текширув натижалари бўйича маълумот бериш ва маниторинг қилиш (20%) V. Молиявий менежмент (10%)
-----------------------	--------	---

Ушбу икки босқичга ўтилиши ички аудиторларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг бир қанча бўлимларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Тегишлича, ички аудиторлик малака сертификатини олмақчи бўлган талабгорларда «Сертификатланган дипломли бухгалтер» (АССА), «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер» (СРА), «Дипломли ички аудитор» (СІА), «Бошқарув ҳисоби бўйича сертификат» (СІМА), «Молиявий ташкилотлар дипломли аудитори» (CFSA), «Давлат ташкилотларининг дипломли аудитори»

(CGAP), «Рискларни бошқаришни баҳолаш бўйича дипломли мутахассис» (CRMA), «Ички аудит дипломи» (IPFM) сертификатларининг амал қилиш муддати тугашига 6 ойдан кўп вақт қолган бўлса, ушбу ходимларга ички аудит малака сертификатини малака имтиҳонисиз тўғридан тўғри бериш, малака имтиҳони назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиши, имтиҳон натижалари 70 фоиздан юқори бўлганда малака сертификати берилишини назарда тутувчи ўзгаришларни Ички аудиторларни сертификатлаш тўғрисидаги низомга киритиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги ПҚ-615-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори бўйича «Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМ»
4. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. -Т.: ЎБАМА, 2016. - 239 б.
5. Ахмеджанов К.Б. «Ички аудитни тартибга солишда халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари» "BIZNES - ЭКСПЕРТ" жқрнали №1(97)-2016 <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/36856-ichki-auditni-tartibga-solishda-xalqaro-tajriba>
6. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Т.: «IQTISOD - MOLIYA», 2008, 23 - бет



7. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 36 б.

8. <https://global.theiia.org/standards-guidance/mandatory-guidance/Pages/Core-Principles-for-the-Professional-Practice-of-Internal-Auditing.aspx>.

9. <http://naaa.uz/index.php/uz/spiski-obladatelej-sertifikatov>

10. <https://global.theiia.org> – Ички аудиторлар институтининг расмий сайти.

11. <https://www.ifac.org>. – Халқаро бухгалтерлар федерацияси расмий сайт.

12. <https://www.mf.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.

13. <https://www.uzaudit.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатасининг расмий сайти.

14. https://www.iaa-ru.ru/certification_and_teaching/obshhie_svedenija/